



## Ҳовузим(нинг катталиги) бир ойлик йўлдир. Унинг суви сутдан оқ, ҳиди мушқдан ширинроқ

Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ос разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: "Ҳовузим(нинг катталиги) бир ойлик йўлдир. Унинг суви сутдан оқ, ҳиди мушқдан ширинроқ, косалари самонинг юлдузлари каби кўпдир. Ундан ичган одам ҳеч қачон чанқамайди", - дедилар.

[Саҳиҳ] [Муттафақун алайҳ]

Пайғамбаримиз Муҳаммад солаллоҳу алайҳи ва саллам Қиёмат кунида ҳовузлари бўлиши ҳақида ва унинг узунлиги ҳам, кенглиги ҳам бир ойлик йўл масофасида эканлиги ҳақида хабар бердилар. Унинг суви сутдан кўра оппоқроқдир. Унинг хушбўй ҳиди мушқу анбар ҳидидан кўра хушбўйроқдир. Ҳовузнинг косаларининг сони, само юлдузлари каби кўпдир. Ушбу косалар ила ким ҳовуздан ичса, ҳеч қачон чанқамайди.

<https://www.sunnah.global/hadeeth/uz/show/65030>

